ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИДА “ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ГЕОГРАФИЯ” ИЛМИЙ МАКТАБИ

А.СОЛИЕВ

В статье на примере кафедры социальной географии и региональной экономики НУУз. освещены основные направления исследований в области экономической и социальной географии, определены актуальные задачи на ближайшую перспективу.

In this article on an example of faculty of social geography and regional economy National University of Uzbekistan. The basic directions of researches are covered in the field of economic and social geography, the basic tasks on the nearest prospect are determined.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ҳозирги ижтимоий география ва минтақавий иқтисодиёт кафедраси 70 ёшга тўлди. У дастлаб “Иқтисодий география” номи билан 1940 йилда ташкил этилган. Кафедранинг шаклланиши ва унинг ривожланиб боришида В.М.Четиркин, Г.Н.Черданцев, М.Г.Кадек, Н.В.Смирнов, Н.Г.Цапенко, З.М.Акрамов, М.Қ.Қорахонов, Р.А.Ходиев, Т.И.Раимов, Т.Э.Эгамбердиев, О.Б.Отамирзаев ва бошқа олим, тажрибали педагогларнинг хизматлари катта бўлган.

Кафедрада, асосан, икки илмий йўналиш шаклланган: қишлоқ хўжалиги географияси ҳамда аҳолишунослик ва шаҳарлар географияси. Агрогеографик тадқиқотлар республикамизнинг турли минтақаларида қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этиш ва ривожлантириш муаммоларига бағишланган бўлиб, баъзи мавзулар Москва давлат университети олимлари билан ҳамкорликда олиб борилган (масалан, ўтган асрнинг 60-нчи йилларида Бухоро ва Самарқанд вилоятлари қишлоқ хўжалиги географияси).

Аҳоли географияси ва геоурбанистика йўналиши эса Ўзбекистон ва қўшни республикалар демографик жараёнлари, шаҳар ҳамда қишлоқ жойларни тадқиқ ва таҳлил қилишга қаратилган. Бу икки йўналишнинг шаклланиши ва ривожланишига кафедра (география факультети) негизида ўтказилган қатор республика ва бутуниттифоқ илмий-амалий анжуманлар жиддий ёрдам берган, унинг илмий-педагогик салоҳияти ва нуфузининг ортишига замин бўлган. Бунинг натижасида мазкур кафедрада собиқ Иттифоқ олимлари томонидан тан олинган ва эътироф этилган ўзига хос агрогеография ва геоурбанистика илмий мактаблари шаклланган.

Мустақиллик йилларида кафедрада илмий тадқиқот ишларининг ривожланиши янги босқичга ўтди. Бу жараён мамлакатимизнинг сиёсий мустақиликка эришуви, унинг иқтисодиёти бозор муносабатларига ўтиши, республикамизнинг иқтисодий ва транспорт хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, кучли ижтимоий сиёсат, демографик ва геоэкологик вазият кабилар билан боғлиқ бўлган. 1997/1998 ўқув йилида мустақиллик шарофати билан кафедра базасида Ўзбекистонда илк бор “Минтақавий иқтисодиёт” бакалавриат йўналишининг очилиши унинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этди. Шу муносабат билан кафедранинг номи ўзгартирилди ва у таҳририй нуқтаи назардан қулайроқ ҳамда жаҳон географияси андозларига мос келадиган “Ижтимоий география ва минтақавий иқтисодиёт” (ИГМИ) номини олди.

Собиқ Тошкент давлат университетига республика Президенти фармони билан “Миллий университет” мақомининг берилиши кафедра олдига янгича вазифа ва масъулиятни юклади. Эндиги шароитда кафедранинг илмий-тадқиқот ишлари ҳам айнан миллий иқтисодиёт, унинг таркибий қисмлари бўлган минтақалар

ижтмиоий-иқтисодий ривожланишининг географик муаммоларини чуқурроқ ўрганишга қаратилди ва бу борада малъум ютуқларга эришилди. Фақат ўтган 10 йил мобайнида кафедра базасида республикамиз ва қўшни давлатлар учун 20 дан ортиқ фан номзодлари ва докторлари тайёрланди (кафедрада аспирантура 1943 йилда, докторантура 2000 йилда ташкил этилган).

Бизнинг фикримизча, анъанавий иқтисодий география ёки замонавий номланишдаги "Иқтисодий ва ижтимоий география" (баъзи давлатларда "Иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий география") асосан 3 манба ва 3 таркибий қисмга эга. Унинг тарихий шаклланиш **манбалари**, энг аввало, Германияга тегишли бўлиб, улар немис олимлари томонидан яратилган ёки ривожлантирилган табиий география (А.Гумбольдт), "штандорт" назарияси (И.Тюнен, А.Вебер, В.Кристаллер, А.Лёш), камерал статистика (Г.Ахенваль) билан боғлиқ бўлган. Бунда шу мамлакат олими Ф.Ратцеллнинг "Сиёсий география" ва "Антропогеография" асарлари ҳам муҳим ўринга эга, чунки ҳар қандай сиёсат, геосиёсат негизида аввалambор иқтисодий манфаатлар ётади.

Таъкидлаш жоизки, немис олимлари кўпроқ иқтисодий географиянинг "иқтисодий" қисмига катта урғу беришган, унинг географик, ҳудудий жиҳатлари эса француз географлари томонидан ривожлантирилган. Сабаби, район йўналиши, районлаштириш, энг аввало, Франция олимларининг ютуғи ҳисобланади (дарвоқе, "район" сўзи ҳам айнан француз тилидан олинган: "реу", яъни пеи, пейзаж маъносида). Бинобарин, қайси бир маънода айтиш мумкинки, "Иқтисодий география" = Германия+Франция" бирлиги демакдир.

Иқтисодий ва ижтимоий география фанининг 3 **таркибий қисми** эса, бизнингча, тор маънодаги иқтисодий география, ижтимоий-иқтисодий (аниқроғи, социал-иқтисодий) ва социал географиядан иборат. Ўз навбатида, бу қисмлар шаклланган қатор махсус фан ёки тадқиқот йўналишларини қамраб олади ва улар ягона, "федератив" тузилишига эга бўлган география фанлари тизимида сўнгги, энг пастки ўринда туришади. Уларни янада "парчалаш"эса фан кўринишга эмас, балки янги йўналиш, ўқув предмети даражасига олиб келади. Масалан, саноат географияси фани бор, лекин қора металлургия ёки машинасозлик географияси фани йўқ, мавзу ёки йўналиш бўлиши мумкин. Худди шундай, қишлоқ хўжалиги географияси, аҳоли географияси, тиббий география каби фанларни янада бўлакларга ажратиш, майдалаш мумкин, бироқ тизим-таркиб қоидасига мувофиқ улар ҳамма вақт ҳам махсус фан бўла олмайди ёки бу фан доирасидан, тизимдан бошқа тизимга (системага) ўтиб кетилади.

ЎзМУ ижтимоий география ва минтақавий иқтисодиёт кафедрасида турли даража ва кўламда бу фаннинг юқоридаги қисмлари ва уларга туташ бўлган йўналишларда илмий тадқиқот олиб борилади. Жумладан, анъанавий **иқтисодий география** бўйича саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалар муаммолари ўрганилмоқда. Саноат географиясида, хусусан, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи саноат, агрогеографияда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, фермер хўжаликларининг ривожланиш масалаларига кўпроқ эътибор берилган. Бу блокда транспорт географиясига оид тадқиқотлар яқин йилларгача бироз заифроқ бўлиб, улар эндигина авж олмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, иқтисодий география ва бажарилган айрим тадқиқотлар айни вақтда минтақавий иқтисодиёт йўналишига ҳам мос келганлиги туфайли баъзи олимлар турли сабабларга кўра шу ихтисослик бўйича ўзларининг номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилишган. Тасаввур қилайлик, агар улар ўзлари олган таянч билимлари, яъни иқтисодий географияга "содиқ қолишганда", минтақавий иқтисодиёт фанининг ҳозирги ҳолати ва шу билан бирга, иқтисодий ва табиий география фанларининг илмий салоҳияти бўйича ўзаро нисбатлари мутлақо бошқача бўлар эди. Бу ҳам бўлса, иқтисодий география фанининг ўзига хос "географик ўрнининг" қулайлиги, катта интеграцион салоҳияти ва синтез қудратининг юксаклигидан далолат беради.

Социал-иқтисодий география оралиқ, иқтисодий ва ижтимоий география фанининг икки қанотини боғловчи бўғин ҳисобланади. Унинг асосини аҳоли ва у билан бевосита боғлиқ махсус фанлар ташкил қилади, аҳоли эса ўз мазмун-моҳиятига кўра тўлиқ социал-иқтисодий категориядир.

ГЕОГРАФИЯ

Бу бўлимда кафедрада кўпроқ шаҳарлар географияси – пойтахт, катта, кичик ва ўрта шаҳарлар, “ресурс” шаҳарчалар, шаҳар агломерациялари мавзулари ўрганилган, улар бўйича илмий монография ва ўқув қўлланмалар ёзилган, номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Айниқса, бу борада кафедрада шаклланган ва чет эл олимлари томонидан эътироф этилган “Ўрта Осиё урбанизацияси” илмий мактаби катта мавқега эга.

Шунингдек, қишлоқ жойлар географияси, қишлоқ аҳоли пунктлари ривожланишининг географик муаммоларини ўрганишга эътибор қаратилмоқда. Бу йўналиш, хусусан, 2009 йилнинг “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилиниши ва бу борада махсус Давлат дастурининг қабул қилиниши муносабати билан янги ривожланиш имкониятларига эга бўлди.

Ўзбекистон Миллий университетининг ИГМИ кафедрасида бевосита аҳоли географияси бўйича катта ва самарали тадқиқотлар олиб борилган. Ушбу илмий йўналишлар демография (аҳолишунослик) муаммолари билан боғлиқ бўлиб, улар қиррасида геодемография ёки демогеография йўналиши шаклланган. Айни вақтда меҳнат ресурслари, улардан фойдаланиш муаммоларининг ҳудудий жиҳатлари ҳам анча мукаммал таҳлил қилинган.

Бу кафедрада аҳолига хизмат кўрсатиш, рекреация ва туризм бўйича бажарилган тадқиқотлар социал-иқтисодий география ва социал география оралиғида туради. Айтиш мумкинки, айнан мазкур илмий йўналишлар республикамизда иқтисодий география фанининг ижтимоийлашуви, унинг социал қанотининг вужудга келишида дастлабки ва муҳим қадамлар бўлган.

Бевосита **социал география** (ижтимоий эмас!) эса бирмунча қийинчиликлар билан шаклланиб бормоқда. Ушбу блокда бажарилган тадқиқотлар мамлакатимиз илмий муҳити учун янги, анча нотаниш, ноанъанавий бўлганлиги сабабли сустроқ ривожланмоқда. Бироқ, шунга қарамасдан, кафедрада республикада илк бор касалликлар географияси (нозогеография), фан ва илмий тадқиқотлар географияси (инновацион география), жиноятчилик географияси (геокриминалогия) бўйича дастлабки номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган.

Юқоридаги таҳлилдан кўриниб турибдики, иқтисодий ва ижтимоий география таркибида социал-иқтисодий география ва иқтисодий география блоклари яхшироқ ривожланган. Таъкидлаш лозимки, айнан шу йўналишлар таъсирида Миллий университетнинг ИГМИ кафедраси ёрдами билан Самарқанд, Наманган давлат университетларида илмий мактаблар шаклланмоқда. Шунингдек, бу фан Фарғона, Термиз, Қарши, Андижон ва Қорақалпоқ университетларида ҳам ривожланиб бормоқда.

Шундай қилиб, кафедрада олиб борилаётган тадқиқотлар кўлами ва қамрови катта. Шу билан бирга бу борада ўз ечимини кутаётган муаммолар, унутилган ва янги илмий йўналишлар ҳам йўқ эмас. Масалан, табиий ресурсларга баҳо бериш ва улардан фойдаланиш, этногеографик тадқиқотлар бироз эътибордан четда қолмоқда. Ваҳоланки, мазкур йўналишлар бу фаннинг дастлабки ривожланишида муҳим аҳамият касб этган.

Табиий ресурсларнинг ҳудудий бирикмаларини баҳолаш, табиий-хўжалик районлаштириш иқтисодий ва табиий географик билимлар асосида амалга оширилади. Худди шундай, мелиоратив география, рекреация ва туризм, тиббий география, инженерлик географияси кабилар ҳам бу фанларни ўзаро яқинлаштиради, уйғунлашган ҳолда биргаликда ривожланишга имкон яратади. Бироқ ҳозирги даврда география фанининг бу икки асосий қисмини тўлиқ, бир хил даражада ўрганиш, “қомусий олим” бўлиш қийин. Қолаверса, бундай ёндашув мазкур фанни оддий ўқув предметига, номенклатур географияга олиб келади ва унинг ҳозирги замон ривожланишига, дифференциация жараёнига тўсқинлик қилади.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, табиий географияда дифференциация, яъни фаннинг турланиш жараёни озми-кўпми ўз поёнига етган, иқтисодий географияда эса у айни авжида (хусусан, бизнинг шароитимизда). Иқтисодий географиянинг ижтимоийлашуви, иқтисодийлашуви, сиёсийлашуви, демографик вазият билан боғлиқ ҳолда ривожланиб бориши унинг табиий географиядан бироз узоқлашиш хавфини туғдиради. Бинобарин, ҳар бир мутахассиснинг ўз асосий соҳасини (у табиий ёки иқтисодий гео-

графия бўлиши мумкин) мукаммал билгани ҳолда, у билан боғлиқ ёки унга туташ бўлган масалаларни ҳам имкон қадар, қўйилган мақсад доирасида билиши, таҳлил қила олиши талаб этилади.

Унутмаслик лозимки, Миллий университетнинг ИГМИ кафедрасида дастлабки илмий тадқиқотлар бевосита табиий географияга алоқадор бўлган. Жумладан, табиий географик компонентлар бўйича районлаштириш (иқлим, тупроқ геоботаник ва ҳ.к.) қишлоқ хўжалиги нуқтаи назаридан амалга оширилган ва улар аста-секин табиий-хўжалик районлаштиришга замин ясаган. Бу эса, ўз навбатида, эволюцион тарзда иқтисодий районлаштиришга олиб келган.

Бироқ, афсуски, иқтисодий географиянинг ўзаги, унинг мазмун-моҳиятини акс эттирувчи районлаштириш масалалари ҳам бироз эътиборсиз қолмоқда. Ушбу илмий-амалий аҳамиятга молик бўлган ва жаҳон география фани тан олган ғояни фақат режали иқтисод, марказлашган маъмурий бошқарув ва уларнинг барҳам топиши билан боғлаш хато ҳамда зарарлидир. Сабаби, иқтисодий районларсиз (район - жой, ҳудуд ва, демак, географиядир), унинг асоси ҳисобланган ҳудудий меҳнат тақсимотисиз тараққиёт ҳам, иқтисодий география фанининг ўзи ҳам бўлмайди.

Кафедра илмий-тадқиқот ишлари ривожланишининг устувор йўналишлари янги, биз учун ноанъанавий бўлган соҳаларни ўрганишни ҳам назарда тутади. Кўчмас мулк географияси, электорал география (электорат, яъни сайловчилар географияси), геопсихология кабилар шулар жумласидандир.

Аввал таъкидлаганимиздек, баъзи давлатларда иқтисодий ва ижтимоий география фани номига “сиёсий” сўзи ҳам қўшиб ишлатилади. Бизда ҳам айнан шундай номланиши шарт эмас (муаллиф иқтисодий, социал, сиёсий, маданий ва ҳ.к. географияларни бир сўз билан “Ижтимоий география” деб аташни маъқул кўради), бироқ бундай тадқиқотларни ҳам олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Шу нуқтаи назардан сиёсий география, геосиёсат масалалари ҳам тадқиқ этилиши керак.

Кафедрада, унинг номидан келиб чиққан ҳолда, келажакда ҳам минтақавий иқтисодёт йўналиши бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилади. Бу борада профессионал иқтисодчи-географлар учун муаммо йўқ. Чунки катта тарихга эга бўлган иқтисодий география билан нисбатан янги ҳисобланган минтақавий иқтисодиёт ўртасида фарқлардан кўра ўхшашликлар кўп, уларнинг методологик, назарий асоси ҳам битта. Демак, географлар иқтисодчилар қаторида минтақавий сиёсат муаммоларини ҳам ўрганишга ҳақлидирлар.

Шу билан бирга эътироф этиш лозимки, иқтисодий ва ижтимоий география фанининг назарий асослари қайта кўриб чиқиш ва ривожлантиришни тақозо қилади. Гап шундаки, бу фаннинг аввалги ғоялари қисман эскириб қолди, талабга тўлиқ жавоб бермайди, янги илмий ғоя ва концепциялар эса деярли яратилмаган (демак, бу борада ҳам ўзига хос ўтиш даври бор).

Бундай шароитда, албатта, иқтисодий ва ижтимоий географиядаги янгича ёндашувлар, йўналишларга устувор аҳамият қаратилиши, унинг синтез қобилиятини кучайтириб бориш билан бирга ҳозирда ҳам маълум назарий аҳамиятга эга бўлган аввалги айрим илмий ишланмалардан батамом, узил-кесил воз кечиш нодуруст бўлса керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ҳам “Янгисини қурмасдан туриб, эскисини бузмаслик”ни таъкидлаган. Бинобарин, илгариги йилларда яратилган фундаментал илмий асарлардан ҳам, уларни ўша давр мафкураси билан боғлиқ жиҳатлардан (пўст ва пўстлоғини, ниқобини олиб ташлаб, рационал мағзини сақлаб қолган ҳолда, чақалоқни ҳам кир сув билан бирга тўкиб ташламасдан) тозалаб, танқидий нуқтаи назардан фойдаланиш мумкин.

Бироқ ҳар қандай назария қотиб қолган догма эмас, у замон, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тараққиёт талабига мос тарзда такомиллашиб, ривожланиб бориши зарур. Шу боис Миллий университет ИГМИ кафедраси олимлари келгусида ҳам иқтисодий ва ижтимоий география ҳамда минтақавий иқтисодиёт фанларининг назарий масалаларини тадқиқ қилиб борадилар.

Ўзбекистон Миллий университети,
2009 йил 15 январда қабул қилинган.